

“DORI-DARMON” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
1-сон БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

2015 йил 5 июн

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгашининг 2014 йил якунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
2. Компания бошқарувининг 2014 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Компаниянинг 2014 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Компаниянинг 2014 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
5. Тафтиш комиссиясининг 2014 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
6. 2014 йил якунлари бўйича компаниянинг соф фойдасини тақсимлаш ва оддий акцияларига йиллик дивидендлар тўлаш.
7. Компания кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
9. Компания бошқарув раисини сайлаш (у билан тузиладиган меҳнат шартномани бир йилга узайтириш).
10. Компания устав фонди миқдорини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш.
11. Акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.
12. Компания уставига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишини тасдиқлаш.
13. Акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендлар бўйича муддати ўтган қарздорликларни Компания даромадига олиш.
14. Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
15. Компания «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Ижроия органи тўғрисида» ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги янги тахрирдаги низомини тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. Кузатув кенгашининг 2014 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

1. Компания бошқарувининг 2014 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг 2014 йиллик бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг 2014 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташки аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

1. Тафтиш комиссиясининг 2014 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг 2014 йил якуни бўйича 24 056, 82 млн. сўм миқдордаги соф фойдаси кўйидагича тақсимлансин:

- 7,39 % ёки 1 776, 90 млн. сўм – компания уставига асосан унинг захира фондига;
- 25,86 % ёки 6 222, 32 млн. сўм – дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 310 сўм дивиденд);
- 66,75 % ёки 16 057, 60 млн. сўм – компаниянинг устав фондига оширишга (капитализацияга).

2. Компаниянинг 2014 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 310 (уч юз ўн) сўм миқдорда йиллик дивиденд тўлансин.

Дивидендлар пул кўринишида кўйидагича тўлансин:

- юридик шахсларга уларни банк ҳисоб рақамларига;
- жисмоний шахсларга – нақд пул, уларнинг банк пластик карточкаларига ва банк кассалари орқали.

3. Ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.

4. Дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2015 йил 15 июн, тугатиш санаси 2015 йил 3 август этиб белгилансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

1. Компания Кузатув кенгаши қўйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Вахпиев Юнус Сулайманович;
2. Липатов Аваз Ашрапович;
3. Миралиев Алишер Эркинович;
4. Мустафаев Зафар Бурибаевич;
5. Рахматуллаев Бекзод Раджапбович;
6. Ташмурадов Шухрат Маматкулович;
7. Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич.
8. Хусанов Нодирбек Джумаевич

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

1. Компания тафтиш комиссияси қўйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович
2. Йўлдошев Дилшод Кулбоевич;
3. Назаров Уктам Сулаймонович.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

1. Компания бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтирилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг Устав фонди миқдори акцияларнинг номинал қийматини 2700 сўмдан 4300 сўмгача ошириш йўли билан, 2013 йил фойдасидан Компаниянинг ривожлантиришга йўналтирилган қисмини 16 057 600 000 сўмини ва 2014 йил соф фойдасининг 16 057 600 000 сўмини капитализация қилиш ҳисобига, 54 194 400 000 сўмдан 86 309 600 000 сўмгача кўнайтирилсин.

2. Компаниянинг Устав фонди 86 309 600 000 (саксон олти миллиард уч юз тўққизмиллион олти юз минг) сўм миқдорида, бир дона акциянинг номинал қиймати 4 300 (тўрт минг уч юз) сўм миқдорда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:

1. Хар бирининг номинал қиймати 4 300 сўм бўлган 20 072 000 дона оддий эгасининг номи ёзилган Компания акцияларининг янги чиқарилиши амалга оширилсин.

2. Аввал жойлаштирилган номинал қиймати 2 700 сўмлик 20 072 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар янгидан чиқариладиган номинал қиймати 4300 сўмлик акцияларга айирбошлансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:

1. Компания уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларлар тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг 2009, 2010 йиллар яқунлари бўйича ҳисобланган ва талаб қилиш муддати ўтган 9 098 795,73 сўм миқдоридаги дивиденд Компания ихтиёрида қолдирилсин ва Компаниянинг даромадига олинсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича:

1. Компания «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Ижроия органи тўғрисида» ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги янги тахрирдаги низомлари тасдиқлансин.